

— Катя, ўз ҳақингизда қисқача гапириб берсангиз?

— 1973 йилда Швейцариянинг Цюрих шаҳрида туғилганман. Оиланинг энг кенжаси фарзандиман. Худога шукр, ота-онам ҳаёт.

— Сиз ўзбек тилида равон сўзлашни ўрганибисиз. Ўрганиш қийин кечмадими?

— Ҳар бир нарсанинг мashaққати бўлади. Аммо инсон бир нарсага чин меҳр билан интилса, у албатта мақсадига эришади. Ўзбек тилини ўрганиш ва бу тилда сўзлашиш эса мен учун доим мароқли.

— Ўзбекистонга дастлабки ташрифингиз қаҷон бўлган эди?

— 1991 йил сентябрь ойидаги дастлаб сайёх сифатида келиб, бу юрга мөхрим тушиб қолди. Чунки бу давр-гача тарихий манбалардан, китоблардан ўқиб, ўрганинг ҳақида озигина тасаввурим бўлган. Ҳақиқатда эса мен тасаввур қилганимдан ҳам ўн чандон ортиқ экан. Ўшанда дастлаб Тошкент хореография билим юртида бўлиб, у ерда кўп кишилар билан танишганман. Хусусан, Сайёра опам билан танишганим ҳаётимда ўчмас из қолдирди, десам хато эмас. Шунда ўзбек мумтоз рақсларини ўрганишини мақсад қиласган эдим.

— 1992 йилда мен Швейцарияга бордим ва ҳайратда қолдим,— дейди сұхбатга аралашиб мураббия Сайёра Ҳасанова. — Қисқа вақтда Катя ўз устида

ишлаб, ўзбекча гаплашишга ўрганиб қолган экан.

— Катя, хореография билим юртими қаҷон тутгатгансиз?

ШВЕЙЦАРИЯЛИК ЎЗБЕК РАҚКОСАСИ

Кўлнимизга қалам олишга ўзбек ҳаликими жон дилдан севган, уни ўзининг иккичи она-юрти сифатида эътироф этган швейцариялик қиз Катя Ҳиллебранд билан тасодифий учрашувимиз сабаб бўлди. У ўзота-онаси ҳақида соф

Ўзбек тилида қийналмасдан сўзлаб берди.

Биз уни сұхбатга чорладик.

— 1994-1997 йилларда билим юртида таҳсил олдим. Устозларим ўзбек рақс санъати сирларини менга ўргатиши. Бу борода Розия Каримова, Насиба Мадраҳимова, Қундуз Миркаримова-ларнинг хизматларини асло унуга олмайман.

— Ўзбек рақс санъати нимаси билан сизни ўзига ром этди ва қайси рақсларни севиб ижро этасиз?

— Бу санъатнинг жозибадорлиги шундаки, у асрлар давомида яшаб келган, такомиллашиб, янгилашиб боради. Умуман бу соҳада ягона бир мактаб яралган ва у хилма-хил кўринишга

эга. Бухороча, Хоразмча ва Фарғонача рақс санъати бир бўлиб ўзбек миллий рақс мактабини ташкил этса, ҳар учала услубнинг ўзига яраша

эдим. Мақсадим ўзбек рақс санъати сирлари ни янада мукаммалроқ ўрганиш, ўзбек адабиётти билан танишиш, жаннатмакон ўлканинг шаҳдару қишлоқларини кезиб чиқиши, кўплаб дўстлар ортириш. Мамнунлик билан айтишим мумкин, мен бу ташрифимда юрtingиз ҳақидаги тасаввуримни янада бойитиб олдим. Хоразм, Қарши, Самарқанд, Бухоро, Наманганд, Андижон ва бошқа шаҳарларда бўлдим. Мени қизиқтириб келган Самарқанд археологиясини, ёдгорликларини завқ билан томоша қилдим. Нуротанинг юксак тоглари-ю мармар конида бўлиб, у ердаги иш жараёнлари билан танишдим.

— Ўзбек адабиётидан кимларнинг асарларини ёқтирасиз?

— Мумтоз адабиёт намояндадаридан Навоий, Бобур, Машраб ва бошқаларнинг асарларини ўқиб- ўргансам деган фикр доимий орзуим.

— Юртимизда анча бўласизми?

— Ҳали режам бўйича қиласиган ишларим бор эди. Афсуски, онам бетоб бўлиб қолганилиги ҳақида кўнғироқ қилишди. Шунинг учун, вақтинчалик бўлса-да бу жаннатмакон ўлка — иккичи она-юртим билан хайрлашишга тўғри келмоқда. Янаги ташрифим яна 5-6 ойдан кейин амалга ошади.

■ Сулаймон ҲАЙДАРОВ
сұхбатлашди.



қонун-қоидалари мавжуд. Менинг на заримда, уларда инсонни сеҳрлай олиш қудратимий, шунга ўхшаш бир илоҳийлик ётади. Ахир «Муножот»да, «Тановар»да инсонни сеҳрлай олиш хусусияти йўқ деб ўйлайсизми? Фаҳр билан айта оламанки, мен бу рақсларга эркин туша оламан.

— Бу сафарги ташрифингиздан мақсад нима? Бирор ўкув юртига кириши ёки ишлашми?

— Май ойида келган